



Кўплашиб ўзаро кенгашсак, ечимсиз муаммо қолмайди

2-с.

Бир ёшнинг тақдири — маҳалладаги барчанинг масъулиятidir

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**2025 йил
28 МАЙ,
ЧОРШАББА**

Маҳалла

**№44
(2268)**

WWW.UZMAHALLA.UZ

••••• УЮШМА КУНДАЛИГИ

ХОНАДОНЛАР ЯГОНА САВОЛНОМА АСОСИДА ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида “еттилик”ка масъул ташкилотлар мутасаддилари, бошқарма бошлиқлари, дастурий таъминот мутахассислари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Уюшма раиси Қаҳрамон Қуронбоев маҳаллаларда аҳоли хонадонларини хатловдан ўтказиш аниқ мезонлар асосида бўлиши кераклигини таъкидлади.

Мутахассислар хатловдан ўтказиш жараёнида ягона саволнома тузиш таклифини билдирди. Ўз навбатида айти йўналишда ишлаб чиқилган пилот лойиҳа — мобил илованинг тақдироти ҳам ўтказилди.

Йиғилиш якунига кўра, аҳоли хонадонларини ўрганиш бўйича “Маҳалла еттилиги”га масъул ташкилотлар мутасаддиларидан таклифлар олинди, улар умумлаштирилиб, ягона интеграциялашган дастур ишлаб чиқилади.

БУГУНГИ СОНДА:

Айби бор одамни бармоқлари титрайди...

“Иш услубининг яна бир тарафи — маҳаллада 8 мингдан ортиқ аҳоли яшаса-да, барчасининг хатти-ҳаракатини ўрганиб чиқиш, нотинчларини ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор, спиртли ичимликка ружу қўйган ҳамда низоли ва жанжалкаш оилалар тоифаларига ажратиб олганман. Мардон ҳам ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор фуқаролар рўйхатида эди”.

6-с.

••••• ИМКОНИАТ

МАҲАЛЛАЛАР ТОМОРҚАСИДАГИ МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ —

68,9 МИЛЛИОН ДОЛЛАР!

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тақдим этган маълумотга кўра, йил бошидан шу кунга қадар маҳаллалар томорқасида етиштирилган 68,9 миллион долларлик мевасабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган самарали тизим — маҳаллаларга бевосита тижорат банкларининг бириктирилиши дастлаб бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида синовдан ўтказилди. Натижа кутилганидан-да самарали бўлгач, банкларнинг бевосита маҳаллада туриб фаолият юритувчи вакили — маҳалла банкири лавозими жорий этилди.

Эндиликда маҳаллаларни ихтисослаштириш борасида ҳам бу тизимдан фойдаланилганди. Хусусан, 558 та маҳаллада 81 минг 586 туп лимон ҳамда 512 та маҳаллада 1 миллион 902 минг туп узум кўчатлари экилиб, ушбу йиғинлар лимон ва узумчиликка ихтисослаштирилди. Сурхондарё ва Қашқадарёга 100 минг тупдан хурмо, Самарқандга 60 минг туп хурмо ва 73 мингта анжир кўчатлари етказиб берилди. Шунингдек, камбағал оилалар томорқасига лимон, кўча бўйларига хонадонларга ҳамда аҳоли томорқалари атрофида узум кўчатлари экилди.

Давоми 2-саҳифада.



7-с.

Дилида дарди борга далда бўлгим келади...

Маҳаллага ҳеч қачон тинч ва осойишта яшайдиган фуқаролар мурожаат қилиб келмайди. Муаммоси бор, оғир вазиятга тушиб қолган кишиларгина биздан кўмак кутади. Шу тоифадаги фуқароларни кўриб, ҳаётимиздан миннатдор бўлишимиз кераклигини англаб етдим. Утаётган ҳар бир лаҳзамизга шукрона келтириб яшашни бошладим. Сабаби, атрофимизда ночор аҳолидаги оилалар жуда кўп.

7-с.

Тарвуз истеъмолида эҳтиёт бўлинг!

Полиэтилларини кесилгандан кейин совиттичда 2-3 соатдан кўп бўлмаган муддатда сақлаш керак. Бундан ташқари, болалар, айниқса, эмизикли гўдақларда резаворлар истеъмолини чеклаш тавсия этилади. Агар захарланиш белгилари пайдо бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим. Бу ҳолатга юзаки қараш мумкин эмас, ўзини ўзи даволаш қатъиян ман этилади.

8-с.

876 НАФАР АЁЛ РАИСЛИККА САЙЛАНДИ

Айни дамда маҳаллаларда муҳим сиёсий жараён — фуқаролар йиғинлари раислари сайлови ўтказилди. Сайловда аҳоли вакиллари фаол қатнашди, ўзлари ишонч билдирган номзодларга овоз берди.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тақдим этган маълумотларга кўра, жорий йилнинг 1-25 май кунлари ҳолатига республиканинг 208 та туман ва шаҳридаги 6 590 та маҳаллада сайловлар бўлиб ўтди. Уларда 1 миллион 478 минг 219 нафар фуқаролар вакиллари иштирок этди.



Шу кунгача ўтказилган сайловларда қатнашган 17 минг 873 нафар номзод давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган ислохотларни маҳаллагача туши-

риб, уни амалга ошириш мақсадида ўзларининг Устувор дастурлари билан аҳолига тақдимот қилишди. Сайлов жараёнлари очиклик, ошқоралик ва сайлов тамойилла-

••••• “САЙЛОВ – 2025”

рига риоя этган ҳолда ўтказилиб, овозларни аниқлаш сайловчилар кўз ўнгига сайлов кутисини очиб, бюллетенларни санаш, энг кўп овоз олган номзодларни эълон қилиш орқали амалга оширилди.

Ҳисобот даврида номзодларнинг 6 590 нафари маҳалла раиси этиб сайланди. Жумладан, сайланган раисларнинг 876 нафари (13,3 фоиз) аёлларни, 261 нафари (4 фоиз) туман (шаҳар) Кенгашлари депутатларини ташкил этади. Ўш тоифаси бўйича 51 нафари — 30 ёшгача, 1 134 нафари — 31-40 ёшгача, 2 134 нафари — 41-50 ёшгача, 2 464 нафари — 51-60 ёшгача, 807 нафари — 60 ёшдан ошган. Мутахассислигига кўра, 1 852 нафари ўқитувчи 1 197 нафари иқтисодчи, 918 нафари муҳандис, 42 нафари шифокор, 249 нафари ҳуқуқшунос, 329 нафари агроном, 82 нафари қурувчи, 1 921 нафари бошқа соҳа вакиллари саналади.



ТУҒУРУҚХОНАДА ҚОН ТОПШИРИШ МАЖБУРИЙМИ?

6



ҚУРБОНЛИК ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

8



Президент раислигида **МАХАЛЛИЙ СANOATNI RIVOJLANTIRISHga** қаратилган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Давлатимиз раҳбари **БUTUNJAHON TRIATLON ITTIFOQI** раҳбари **Антонио Фернандес Ариманини қабул қилди.**



Президент қарорига кўра, **"Ўзбекистон қайта суғурта компанияси"** ташкил этилади.

Кўплашиб ўзаро кенгашсак, ечимсиз муаммо қолмайди

Буни ўз тажрибамда синаб кўрдим. Яъни ҳар бир соҳа, йўналиш бўйича масъуллар танлаб олдим. Мисол учун, 3 354 нафар аҳоли яшайдиган ҳудудда 19 та кўча мавжуд. Ишни, аввало, мана шу кўчаларга масъуллар бириктиришдан бошладим.

Мухаббат БОБОЖОНОВА,
Тупроққалъа туманидаги
"Ёшлик" маҳалласи раиси.

7 нафар кўчабоши "маҳалла еттичилиги"га яқин ҳамкор, кўмакчи. Шу ташаббус ортидан аҳолининг энг кичик муаммоси ҳам эътибордан четда қолмапти. Инфратузилма билан боғлиқ масалалар маслаҳатлашган тарзда ҳал этиляпти. Қайси кўча асфальтлаши керак, қайсинишага шағал тўкиш лозимлиги ўзаро келишиб амалга ошириляпти.

Бугунги кунда К.Отаниёзов, Хоразм, С.Давидов кўчалари асфальтланди. Янги ташкил этилган Феруз, Феруз-1, Нодирабегим, Шабнам, Нафосат, Дилроз, Мухта-

шам, Сарафроз кўчалари шағалланди. Тўнги ёритиш чироқлари ва кузатув камераси ўрнатилиб, профилактика инспектори хонасидаги назорат мониторинга уланди. Хафтанинг пайшанбаси — профилактика кўни, деб белгиланган. Натижа шунга мос шаклда бўляпти. 2022 йилдан бери бирорта жиноят содир этилмади.

Яқингача деҳқончилик билан шуғулланишда оқова сув муаммоси кузатиларди. Хонадонларда томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан топширик ёки тасвия бергани иккиланарди. Чунки сувсиз ерда экин ўстиришни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Ўтган йили 435 та хонадонга томорқа ерларини суғориш учун насос ўрнатиб бе-

рилди. Натижа қутилганидан-да аъло бўлди. Юзлаб оилалар томорқа орқали ўзини ўзи банд қилди.

Бундан ташқари, миграциядан қайтганларга субсидия асосида иссиқхона қуриб бердик. Натижада улар оиласи бағрида қолиб ишлашига эришдик. Мисол учун, эр-хотин Азизбек Матёқубов ҳамда Нигора Баёзова ишсизлик сабабли хорижда меҳнат қиларди. Уларга маҳалла кўмағида иссиқхона қуриб берилди.

Шунингдек, ҳудудда ички имкониятдан фойдаланиб, тадбиркорликни ривожлантиряпмиз. Бу ҳам ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда қўл келяпти. Бугун "маҳалла еттичилиги" кўмағида ўз бизнесини йўлга қўйиб, оилавий даромадини таъминлаб келаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Илҳом Табулдинга асаларчиликни ривожлантириш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилганди. Ҳозир шу иш ортидан оилавий банд бўлиб, ойига 5-6 миллион сўм даромад топяпти.

Рўзимбой Рўзимов 100 мил-



лион сўм молиявий кўмак эвазига қўлқоп ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Шу билан бирга, 5 та иш ўрни яратди.
Шехназар Бекжонов 200

миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан "Шоназар-Шехназар" ишлаб чиқариш корхонасига асос солиб, 20 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Маҳсулотлари хорижга

экспорт қилинапти. Бир сўз билан айтганда, ҳудудда ҳар бир иш ўзаро кенгашиб, кўплашиб ҳал этиляпти. Бунинг натижасида ёшу қари жараёнда фаол иштирок этапти.

МАХАЛЛАДА НИМА ГАП?

"Ниҳол қуроқлари" ишга тушди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси томонидан ташкил этилган лойиҳалар танловида Гулистон шаҳридаги "Ниҳол" маҳалласи ғолиблар сафидан ўрин олганди.



Бошланган эзгу ишнинг давоми янада хайрли бўлди. Ғолиблик учун тақдим этилган 40 миллион сўм маблағ эвазига маҳаллада "Ниҳол қуроқлари" тикувчилик ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди.

— Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган танлов мамлакатимизда миллий анъана ва кадриятлар ривожига бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир, — дейди маҳалла раиси **Гулноз Йўлчиева**. — Маҳалла тараққиёти учун энг яхши бизнес лойиҳа республика кўрик-танлови доирасида "Маҳаллада хўнормандчиликни ривожлантириш" бизнес лойиҳамиз муносиб тақдирланди.

Ғолибларга ажратилган маблағ ҳисобидан иш бошлаган корхонада ёшларни касб-хўнарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини йўлга қўйишига кўмаклашиш кўзда тутилган.

"Ровот"да 23 турдаги хизмат

Норин туманидаги "Ровот" маҳалласида 335 миллион сўм маблағ эвазига "Маҳалла сервис компанияси" биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.



— Ушбу янги лойиҳа маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш, аҳоли ва коммунал хизматлар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. — дейди **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси И.Икромов**. — Жорий йилдан фаолиятини бошлайдиган мазкур муассаса 12 турдаги замонавий асбоб-ускуна билан таъминланди. Бунинг учун 67 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги ташкилотда 23 турдаги хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиб, 6 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Тадбирда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси, туман бўлими ходимлари, аҳоли вакиллари, фаоллар иштирок этди.

"Хомашё етказиб берувчидан экспортчига айландик"



Эркин Нишонов иссиқхоначиликдан барака топганлардан. Унга маҳалла масъулари яқиндан кўмак бердик. Имтиёзли кредит олиб, иссиқхона ташкил этди. Ҳозирда буюртма асосида кўчат етиштиради. Даромади — 100 млн. сўм. Кўшимчасига помидор, бодринг парваришлайди. Йиллик даромад 200 млн. сўмдан ошади.

Бобур ЖАББОРОВ,
Сирдарё туманидаги
"Қуёш" маҳалласи раиси.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Утган йилнинг ўзида 25 нафар фуқарога кредит ажратилган бўлса, томорқада 1 185 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

Бундай натижага эришишда, асосан, "ўсиш нуқта" — иссиқхоначилик, кўчатчилик, лимончиликдан самарали фойдаландик. Натижада ишсизлик ва камбағаллик қисқартирилди. Масалан, 2022 йилда 300 тадан зиёд хонадоннинг томорқасида иссиқхона мавжуд эди. Бугун уларнинг сони 900 тадан ортди. Кўпчилик томорқасида банд бўлса, яна кўплар Германиялик тадбиркор билан ҳамкорликда ташкил этилган ойна ишлаб чиқарувчи қўшма корхонада ишлайди. Бу ерда 230 нафарга яқин фуқаро доимий иш билан таъминланган. Ишсизликдан холи ҳудудмиз.

Усиш нуқта аниқлангач, тўхтаб қолмадик. Янада ривожлантириш йўллари ни изладик. Аввал фақат хомашё сотган бўлсак, энди хорижга экспортни йўлга қўйдик. Бунинг учун "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида Исроил ва Голландиядан ҳосилдор уруғ олиб келдик. Деҳқонлар билан бир турдаги маҳсулот (помидор, бодринг ва бўлғор қалампир)лар етиштириш ва марказлашган ҳолда хорижга сотишга

келишиб олдик. Тайёргарлик ишлари доирасида аҳоли хонадонларида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича ўқув курслари ташкил этдик. Шунингдек, "Томорқа хизмати" корхонаси иш бошлади. Бу ерда турли хил асбоб-ускуналарни ижарага бериш йўлга қўйилди. Кам таъминланган, ўз меҳнат курали мавжуд бўлмаган фуқаролар

учун қулайлик яратилди. Улар ижара учун ҳисоб-китобни ҳосил йиғиб-териб олинганидан сўнг қилишади.

Натижа ёмон эмас. Юқоридаги мисолда гувоҳ бўлганингиздек, ўртача 8 сотихлик битта иссиқхонадан йилига 200 млн. сўм даромад олинмоқда. 2023 йилда 35 млрд. сўмдан ортик сабзавот экспорт қилинди. Ҳисоб-китоб

бўйича, 2024 йилда бу кўрсаткич 45 млрд. сўмдан ошди. Яна бир эътиборли жиҳат — маҳаллада етиштирилган сабзавотлар шу ернинг ўзида қутиларга солиниб, қадоқланади. Хонадонларда шундай хизмат ташкил этилган. Бу орқали маҳаллада яшовчи хотин-қизлар кўнлик иш билан таъминланмоқда.

Кўшимча равишда лимончилик ривожлантирилмоқда. Ўтган йили 2 сотих майдондан 2 тоннадан зиёд лимоннинг килосини 45 минг сўмдан сотдик. Битта лимон дарахтидан бир йилда 200 кг.гача ҳосил олинади. Хоким ёрдамчиси Қўқон шаҳри ва Данғара туманига бориб, лимончилик сирларини ўрганиб келди.

Ҳозирги кунда маҳаллада яшовчи 18 нафар фуқаро ҳорижда вақтинчалик меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Уларнинг ҳар бири билан алоқага чиқиб, ҳолати ўрганилмоқда. Даромади етарли бўлмаган фуқароларни ортага қайтариб, ўзимизда иш билан таъминлаш бўйича махсус режа тузиб чиққанмиз. Ватанга қайтганларга зарур молиявий ва бошқа кўмак берилмоқда.

Келгусида маҳаллани иқтисодий жиҳатдан янада тараққий топтириш мақсадида ҳудудга туташ фермер хўжалиги майдонидан 30 гектар ерни захирга олиб, уни фуқароларимизга 15 сотихдан аукцион орқали тарқатиш ҳақида таклиф киритганмиз. Бу ерлар, биринчи навбатда, кам таъминланган оилаларга берилиши кўзда тутилмоқда. 2025 йил якунига бориб, экспорт ҳажминини 60 млрд. сўмдан оширишни кўзлаб турибмиз.

ИМКОНΙΑТ

МАХАЛЛАЛАР ТОМОРҚАСИДАГИ МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ — 68,9 МИЛЛИОН ДОЛЛАР!

Давоми. Бошланиш 1-саҳифада.

Маҳалла даражасида томорқадан самарали фойдаланишга эътибор кучайди. Бу жараёнда аҳолига кенг қулайликлар яратилди, хусусан, томорқачига имтиёзли кредит, субсидия, грант ва лизинг бериш амалиёти йўлга қўйилди. Томорқаси бор, бироқ ундан қандай фойдаланишни билмаётганларга уста деҳқонлар бириктирилди.

Олиб борилган саяё-ҳаракатлар натижасида юртимиздаги 5 миллион 314 мингта хонадон томорқасида етиштириладиган

мева-сабзавот маҳсулотлари ва экспорти бўйича 8 272 та маҳаллада прогноз шакллантирилди. 20 май ҳолатига кўра, томорқада етиштирилган маҳсулотлар экспорти 68,9 миллион долларни ташкил этди. Мева-сабзавотлар, асосан, Россия, Қозғистон, Ироқ, Қирғизистон, Беларусь, Грузия каби давлатларга экспорт қилинди.

Келгуси режаларга кўра, аҳоли томорқаларида етиштирилётган 39 турдаги мева-сабзавот маҳсулотларининг фитосанитария сертификати асосида экспорти ташкил этилади. Йил якунига қадар 5 милли-

он тонна сабзавот, 682 минг тонна полиз, 1,7 миллион тонна картошка, 73 минг тонна дук-какли, 8 минг тонна майли, 910 минг тонна бошқа экинлар ва 488 минг тонна мева, 348 минг тонна узум етиштирилади.

Бундан қўринадики, одамларга томорқадан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароит яратилса, имтиёзлар берилса, қўллаб-қувватлаб турилса, маҳалланинг оддий томорқачиси ҳам халқро даражада маҳсулотларини экспорт қила олади. Тизим тўғри йўлга қўйилса, кечаги ишсиз шахс бугун намунали томорқачига айланади.



“Мажбурий рақамли маркировка тизими самардорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.



Халқаро фан олимпиадалари ғолибларига тўланадиган БИР МАРТАЛИК ПУЛ МИҚДОРИ беш бараварга (937 млн. 500 минг сўмгача) оширилади.



1 июндан I ва II гуруҳ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ишга қабул қилган тадбиркорларга 50 млн. сўмгача субсидия ажратилади.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРГА ЁЗДА ҚАНДАЙ ШАКЛ БЕРИШ КЕРАК?

Ёзги кесиш ёки буташ орқали дарахтда керакисиз бўлган ривожланишнинг олди олинади. Буни қадимда боғдорчиликка тааллуқли китобларда “хишова” дейилган.



Шухрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Хишова дарахт куртаклари ниш уриб ўсишни бошлаши билан амалга оширилиши мумкин. Аммо амалиётда, асосан, янги ўсимта новдалар 10–15 сантиметрдан ошгандан сўнг қўлланилади. Дарахтга ортиқча зарар етказиб қўймастик учун ёзги кесишда мавсум давомида пайдо бўлган тик ва тез ўсувчи (сўрувчи) новдаларни буташ билан чекланиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, дарахтни новдалардан сийраклаш амалга оширилади. Дарахтни қиш мавсуми зарарларига таъсирчан қилиб қўймастик учун хишова энг кечи билан июнь ойи охиригача тугатилиши керак. Бундан кейинги кесиш дарахт соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин. Хишова дарахт озукасини камайтиради, шу сабабли уни жуда катта бўлиб кетадиган мевали дарахт (шафтоли, олма, гилос, беҳи, олхўри, хурмо)ларда қўллаш мумкин.

Хишованинг яна бир афзаллиги — барглр сонининг дарахтда камайиши натижасида барглр орқали парланиш камайди ва сувга бўлган талаб кечикади. Бу дарахт ҳажмини назоратда ушлаб туриш имконини беради. Одатда, қиш ёки эрта баҳорда шакл берилган мевали дарахтда қалин ва кучли шохлар ўсиб чиқади. Бундай новдаларни ёзда буташ ёки кесиш ташлаш орқали, асосан, дарахт кучи ёш новдаларни ривожлантиришга эмас, ҳосил етиштиришга йўналтирилади.

МУАММО ВА ЕЧИМ



Тайёр маҳсулот хомашёдан кўра даромадлироқ

Маҳаллада 1 066 та хонадон бўлиб, уларда 101 гектар томорқа ер майдони бор. Асосий “драйвер” — резавор мевалар етиштириш (кулупнайчилик).

Фуркат СОТИМОВ, Хонқа туманидаги “Қорамози” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

400 та хонадонда кулупнайчилик йўлга қўйилган. Уларнинг ҳар бирида 3–4 нафар доимий, терим даврида 15 нафаргача мавсумий иш ўрни яратилган. Этиборлиси, маҳалла тажрибаси туман бўйича омалаштирилмоқда. Уста деҳқонлар агротехник тадбирлар ўтказиш юзасидан маҳорат дарслари ўтишмоқда. Минг нафарга яқин аҳоли бандлиги таъминланган. Лавозимга тайинланганимда олдимга аниқ мақсад қўйиб олганман. Маҳаллада яшовчи ҳар бир инсон ҳоким ёрдамчисининг борлигини, ташаббуси ва хайрихоҳлигини сезиши керак. Акс ҳолда бизга билдирилган ишончга путур етади. Маҳаллани камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш — энг катта орзуим. Минг бор шукр, таҳлилларга кўра, йиллар кесимида камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришга эришмоқдамиз. Мисол учун 2024 йилда 154 та камбағал оила рўйхатга олинган бўлса, жорий йил бу рақамни 108 тага қисқарттирдик.

Ёки бир йил аввал 195 нафар ишсиз қайд қилинган бўлса, жорий йилдаги хатловда 121 нафар ишсиз аниқланди. Яъни 7 дан 5 фоизга пасайганини кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, маҳалланинг ўзига хос “ўсиш нуктаси” орқали аҳоли бандлиги ва доимий даромад манбаига эга бўлиши таъминланмоқда. Мутасаддилар кўмағида одамлар ўзи қизиққан тармоқ атрофида бирлашиб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етиштирмоқда.

Қудрат Ражабов бир гектар ерда кулупнай етиштириб, йилга 150 миллион сўмгача даромад топмоқда. Бундан ташқари, ердан самарали фойдаланиб, картошка, лавлаги, маккажўхори, саримсоқпиездан қўшимча фойда олмақда.

Хўш, бунга қандай эришдик? Маълумки, ён-атрофимизда турли тоифадаги инсонлар бор. Мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиб, яхши ҳаёт кечиришга, жамиятда ўз ўрнини

топишга интилаётганлар билан бирга, ўзгалар қўлига қараб, фақат давлатдан ёрдам кутиб яшайдиганлар учраб туради. Бизда ҳам бошида шундай эди. Томорқасида ўзини ўзи банд қилиши мумкин бўлса-да, ишлашни истамайдиган, тайёр ёрдамга ўрганиб қолган инсонлар учраб турарди. Улар йиллар давомида давлатдан ва бошқа кишилардан моддий ёрдам олишга таяниб, боқиманда бўлиб қолган. Маслаҳат берсанг, ўзини ўзи банд қилишга ундасанг, минг бир баҳонани тахлаб турарди. Шундайларга жамоатчилик таъсирини кўрсатдик. Ён-атрофдаги қўшнилр тажрибасини ибрат, намуна қилдик. Иш бошлашга кўрқиб, иккилабий турганларда ишонч уйғотдик. Молиявий кўмак сўраганларга имтиёзли кредит ажратдик, субсидия асосида иссиқхона қуриб бердик.

Сезганингиздек, ҳудудда асосий “ўсиш нукта” — деҳқончилик. Одамларимиз етиштирган мева-сабзавотдан яхши даромад топмоқда. Аммо бу фойдани янада ошириш мумкин. Мисол учун, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш даромадини икки, уч каррага кўпайтиради. Бундан ташқари, хорижга экспорт қилиш имкониятини яратди. Ҳозир кулупнайни фақат ички бозорга сотамиз, мевасини сақлаш имконияти йўқ. Бирданга пишганда нарх арзонлаб кетади. Деҳқон кўтарганига сотишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун маҳаллада меваларни сақлаш, қайта ишлашни йўлга қўйиш лозим.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ТИББИЙ КЎРИКДА КАСАЛЛИКЛАР ЭРТА АНИҚЛАНДИ

Ширин шаҳридаги қатор маҳаллаларда “Соғломлаштириш ойлиги” доирасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида сайёр қабул ва тиббий кўрик ўтказилди.



— “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, “Фарҳод” маҳалласида ташкил этилган тиббий кўрикда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар реестрига киритилган фуқароларга бирламчи ёрдам кўрсатилди, — дейди **Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи Уйғун Хотамов**. — Кўрик давомида турли касалликлар аниқланиб, зарур амбулатор муолажа белгиланди. Аҳамиятлиси, бу каби тадбирлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда зарур даво чораларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Мутахассислар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланиш ҳамда касалликларнинг олдини олиш бўйича фуқароларга муҳим тиббий маслаҳат ва тавсиялар берди.

БИЛИБ ОЛИНГ!

ДЕҲҚОН ВА ТОМОРҚАЧИЛАР КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Деҳқон ва томорқачиларга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинган.

Унга кўра, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига грант, субсидия, имтиёзли кредит ажратилиб, молиявий қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Мақсад — аҳолини банд қилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш. Бунинг учун махсус жамғарма ташкил этилган ва ҳужжатлар содда-лаштирилган тартибда қабул қилинади.

Талабгорлар ҳоким ёрдамчиси ёки “Онлайн маҳалла” платформаси орқали ариза топшириши мумкин.

МЕНДА САВОЛ БОР...

МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ВА ЖАМОАТ ИШЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ ФАРҚИ БОР?

Самандар ТЎЛКИНОВ, Ургут тумани:

— *Кўп ҳолларда ишсизларнинг бандлигини таъминлаш жараёнида улар жамоат ишларига жалб қилинади. Шу билан бирга, ҳақ тўланадиган мажбурий жамоат ишларига жалб қилиш, деган атама мавжуд. Уларнинг қандай фарқи бор?*

Шаҳноза ҚОРИЕВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Меҳнат иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси:

— Дарҳақиқат, бу атамалар бир-бирига ўхшаш бўлгани билан, аслида, бошқа-бошқа мақсадни ўз ичига олади. “Мажбурий жамоат ишлари” маъмурий ҳамда жиноий жазо сифатида 2022 йилда жиноий ҳамда маъмурий жавобгарлик кодексига киритилди. Маъмурий жазо сифатида берилганда саккиз соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга, агар жиноий жавобгарлик сифатида қўлланилганда бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача муддатга тайинланади. Ҳуқуқбузарлар ва маҳкумларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жой (объект) лар ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг турлари мазкур жапонинг ижросини назорат қилувчи органлар — ички ишлар органларининг пробация бўлимидаги

томонидан белгиланади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг асосий турлари куйидагилардан иборат:

- шаҳарларнинг, туманларнинг, аҳоли пунктларининг, маҳаллаларнинг ҳудудларини ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш (кўкаламзорлаштириш, йиғиштириш, оқлаш, ариқларни, қабристонларни, зиёратгоҳларни, маданий объектларни тозалаш ва бошқалар);
- уй-жой-коммунал объектлар ва бошқа инфратузилма объектлари ҳудудларига туташ уй-жой фонднинг объектларини таъмирлаш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;
- кўчаларни, йўللарни ва йўлқаларни таъмирлаш;
- қишлоқ хўжалиги ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини йиғиб-териб олиш, ирригация ва мелиорация тармоқларини



таъмирлаш; ноғиронлиги бўлган шахсларни, кексаларни, беморларни ва бошқа шахсларни парвардилаш; саноат тармоқлари ташкилотларидоги ва хизматлар кўрсатиши

соҳасидаги ишлар; объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг қарорига

мувофиқ, ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг тақлиф этилаётган турлари унга жалб этиладиган шахсларнинг касбий кўникмаларини, иш тажрибасини, ёшини, жинсини ва бошқа ўзига хос хусусиятларини, иш режимини ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид зарур шарт-шароитларни ҳисобга олиши керак.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ноғиронлиги бўлган шахсларга, доимий ишга эга шахсларга, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Бундан ташқари, иш қидириб туман бандликка кўмаклашиш марказига борган шахсларни жамоат ишларига жалб қилиб, бандлиги таъминланади.



Ўзбекистонда Венгриянинг учта фармацевтика компанияси — “Gedeon Richter”, “Egis” ва “Meditop” иштирокида ДОРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.



Энди давлат ижрочилари ва МИБ ходимлари ҳар ойда ҚАРЗДОЛЛАРДАН УНДИРИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР ҲИСОБИДАН рағбатлантирилади.



Ўзбекистонда фақат миллий маҳсулотлар сотиладиган “MALL OF UZBEKISTAN” йирик савдо марказлари ишга туширилади.

ИМКОНИЯТ

УЙДА ЭМАС, КЛАСТЕРДА ИШЛАЁТГАН ЁШЛАР СОНИ ОРТАПТИ

Бугунги мураккаб ва ноаниқликка тўла геосиёсий шароитда давлатлар иқтисодий барқарорликни сақлаш учун, аввало, энг кўп иш ўрни яратадиган тармоқларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада ўз миллий ёндашувини шакллантирган ҳолда, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшларнинг меҳнат бозоридagi иштирокини кенгайтириш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.



Моҳира СОДИҚОВА, ижтимоий фаоллик тарғиботчиси.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 26 май кўни бўлиб ўтган видео-селектор йиғилишида маҳаллий саноатни ривожлантириш, айниқса, тиббиёт, қурилиш материаллари, мебелсозлик, заргарлик каби “бандлик генератори” ҳисобланган йўналишларда ёшларнинг иштирокини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса бевосита ўз иқтидорини рўёбга чиқариш учун имкон излаётган минглаб ёшлар учун амалий ечим ва туртки бўлиши мумкин.

Бугунги кунда мебелсозлик йўналишида 920 та янги корхона ташкил этилган бўлишига қарамай, соҳадаги маҳсулотларнинг қарийб 25-30 фоизи уй шароитида ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса норасмий бандлик, солиқ базасининг чеклангани, энг асосийси ёшларнинг расмий иқтисодий муҳитдан четда қолишига олиб келмоқда. Уйда ишлаб, йирикроқ бўлиш истагида юрган кўплаб ёшлар бор, ammo улар учун зарур инфраструктура, қонуний имконият ва молиявий кўмак етарли бўлмай келаятган эди.

Эндиликда бу муаммо амалий ечим топмоқда. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ёшлар 5 нафаргача ишчи ёллаб, мебель ишлаб чиқариши мумкин бўлади. Бу имконият, айниқса, бирор хунар ёки тадбиркорлик ғоясига эга, ammo қонуний фаолият бошлашга ожиз қолаётган ёшлар учун долзарб.

Шунингдек, ёш тадбиркорларга мебель ишлаб чиқариш йўналишида 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача 18 фоизлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Ушбу молиявий кўмак эса ўз ғоясини ишлаб чиқаришга айлантирмоқчи бўлган ҳар бир фаол йигит-қиз учун реал имкониятдир.

Мебель соҳасида эндиликда яккама-якка эмас, балки кластер тарзида ишлаш моделига ўтилмоқда. Хонқа, Олтиариқ каби ҳудудларда ташкил этилган “Мабелчилик марказлари”да илгари уйда тор шароитда ишлаб келган тадбиркорлар бирлаштирилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланган марказларда фаолият юритмоқда. Бу модел бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилиши белгиланган. Шароф Рашидов, Пастдарғом, Кибрай, Яккасарой каби туманлар ана шундай марказлар билан бойитилди.

Бундан ташқари, ҳар йили 1000 нафар ёш мебель устаси замонавий кўникмалар асосида қайта тайёрланади. Чет элдан жалб этилган дизайнер, маркетинг мутахассислари, технологлар орқали ёшларимиз халқаро талабга жавоб берадиган маҳсулотлар яратиш имкониятига эга бўлади. Давлат эса уларнинг ярим иш ҳақи, халқаро сертификатлаш харажатларини ўз зиммасига олади.

Мабелсозлик билан бирга, заргарлик саноати ҳам иқтисодиётнинг янги “драйвер” тармоғи сифатида кўриломоқда. Бу йўналишда ҳам ёшлар учун катта имкониятлар очилмоқда. Эндиликда якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида заргарлик буюмлари билан савдо қилишга рухсат берилиши, шунингдек, хориждан мутахассислар (геммолог, дизайнер, технолог) ни жалб қилиш харажатларининг қоплаб берилиши ёшларнинг ушбу юқори даромадли, креатив соҳада эркин ҳаракат қилиши учун замин яратяпти.

Давлат томонидан яратилаётган бундай имкониятлар шуни англатадики, эндиликда ҳар бир ёш ўзининг ғояси, хунари, ташаббуси орқали иш ўрнини нафақат ўзи, балки бошқалар учун ҳам ярата олади. Ammo бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ёшларни йўналтириш, уларга кўмак бериш, ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ошириш — маҳалла, мактаб, коллеж, нодавлат ташкилотлар, устозлар ва энг аввало, оила-ларнинг ҳам масъулиятидир.

МАНЗАРА

БИР ЁШНИНГ ТАҚДИРИ — МАҲАЛЛАДАГИ БАРЧАНИНГ МАСЪУЛИЯТИДИР

Маҳаллада ёшлар билан ишлаш, ҳар бирининг дарди ва муаммосига қулоқ тутиш — нафақат катта масъулият, балки фидойиликни ҳам талаб қилади. Айниқса, ҳаётда ўз йўлини тополмаётган, турли муаммолар гирдобида қолган ўсмирларнинг ҳолати мени жиддий ўйлантиради.



Нурбек ХУДОЙҚУЛОВ, Оқолтин туманидаги “Аҳиллик” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Бугун жамиятимизда чет элга ишлаш учун кетган ота-оналарнинг фарзандлари кўпайган. Маҳаллаимизда ҳам шундай ҳолатдаги битта ўсмир бор. Ота-онаси хорижга кетганига уч йилдан ошди. Болани холасига васий қилиб қолдиришган. Ammo айнан шу ўсмирлик, характер шаклланаётган ва меҳр-эътибор зарур бўлган даврда ота-онанинг йўқлиги боланинг турли хатоларга йўл қўйишига олиб келяпти. Ота-она: “Фарзандимиз келажаги учун ишляпмиз”, — дейди. Ammo бола бугун ота-онанинг меҳрига муҳтож...

Демак, бу жараёнда бутун маҳалла — фаоллар, нурунийлар, психологлар ва каби болалар билан биргаликда ишлашимиз, уларнинг дардига шерик бўлишимиз керак. Қаровсиз қолган,



Маҳаллада олий таълим муассасасида таҳсил олаётган ёшларга шартнома тўлови учун 50 фоизгача моддий ёрдам кўрсатилди. Муддатли ҳарбий хизмат бадалини тўлашда қийналаётган ёшларга кўмак берилди. Ижарада яшаётган ёшларга 6 ойлик ижара компенсацияси тўланди.

оилавий низолар қурбони бўлган, ҳатто ичкиликка берилган ота-зулмида улғаяётган фарзандлар бор. Улар билан ишлаш ҳам жуда наздик жараён. Лекин бу ишни ўз вақтида бошласак, болаларнинг ҳаёт йўлини ўзгартиришимиз мумкин.

Шунга қарамай, маҳалламиз ёшлари ичида меҳнаткаш, орзуси, интилиши бор йигит-қизлар кўп. Йигинимизда деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган. 149 нафар ёшга ер ажратилди, 76 нафари кредит асосида турли лойиҳаларни бошлади. Улардан бири — уйда сунъий ҳовуз ташкил қилиб, балик етиштираётган йигитимиздир. У ёнимга келиб, ховлисидан ариқ ўтганини, сувдан фойдаланиб, балкичилик қилиш нияти борлигини айтиди. Режаси маъқул бўлган, 33 миллион сўм кредит ажратдик. У бу маблағни тўри йўналтириб, бир мавсумдаги фойдадан кредитни тўлаб бўлди. Сувда табиий минераллар бор, маҳаллий ўғитлар, қотган нон ва қўшимча емлар орқали баликлар яхши ривожланмоқда. Энг муҳими, бу ташаббус бошқа-

ларни ҳам илҳомлантирмоқда. Яна бир ижобий мисол — Нурсултон Амиров. У хорижда ишлаб қайтган, 20 сотих ерга иссиқхона қуриб, қулупнай етиштирди. Янги йил арафасида маҳсулот тайёр бўлаётгани, афсуски, кучли шамол иссиқхонани вайрон қилди.

50 миллион сўмлик кредитга ажратилган бу лойиҳа бекор бўлди. Ammo Нурсултон тўхтаб қолмади. Хатосини таҳлил қилиб, кейин яна помидор ва бодринг экиб, зарарини ёпди. Хозирда яна 50 сотих ер ажратдик, янги мавсумга тайёрланмоқда.

Мен бир нарсани англаб етдим: агар ёшларни болалиқданок хунарга, меҳнатга, билимга ўргатсак, келажакда на жиноят содир этади, на ёмон йўлга қиради. Мактаб давриданоқ ҳар бир бола бирор касб-хунар, фан ёки санъат тўғра-раига қатнаса, бу унинг салбий ҳолатлардан узоқда бўлишига хизмат қилади. Шу маънода ота-оналар фарзандининг дарсдан бўш вақтини назорат қилиши, фойдали машғулотларга йўналтириши керак.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ишакчилик анъанаси давом этмоқда

Айни кунларда Навбахор туманидаги “Бурчўқ” маҳалласида ипак қурти боқиш ишлари авжга чиққан. Маҳалла аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бу борада фаоллик кўрсатиб, касаначилик орқали оилавий даромад топомоқда.



Ш.ҲАЛИЛОВА.

Маҳалла раиси Жасур Холмуродовнинг айтишича, жорий мавсумда ети нафар аҳоли вакили ипак қурти боқишга бел боғлаган. Улар “Ал-Азиз” ипакчилик фермаси билан шартнома асосида ишламоқда. Ҳар бир касаначи оиласига фермалар томонидан зарур озука — тут барги етказиб берилади, етиштирилган ипак қуртлари яна ферманинг ўзи томонидан йиғиб олинади. Бу жараёнларда иштирок этаётган фуқаролар ҳар бир килограмм пилла учун маош олишади.

Жараёнга ёшларнинг ҳам жалб

этилгани алоҳида эътиборга лойик. Йигит-қизлар тут барглари йиғишда, ипак қуртларига парвариш кўрсатишда ёрдам берапти. Бу билан улар нафақат меҳнатга ўрганмоқда, балки халқимизнинг қадимий хунари — ипакчилик билан бевосита танишмоқда.

Айтиш жоизки, “Бурчўқ” маҳалласида ҳар бир меҳнаткаш фуқарога касаначилик асосида даромад топиш учун имкониятлар яратилляпти. Ипак қурти боқиш бу борада энг истиқболли йўналишлардан бири бўлиб, у кам харажат талаб қилади, ammo меҳнатга ҳалол ёндашган инсон учун баракали даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Алишер БОҚИЕВ, Чилонзор тумани:

— Яқинда янги қурилган, замонавий уйлardan квартира харид қилган эдик. Ёш оила сифатида биз орзу қилган қўлайлик ўрнига қурилиш нуқсонлари, сифатсиз материаллар ва хавфли техник камчиликларга дуч келдик. Қурувчи эса: “Биз фақат сотдик”, деб, жавобгарликни рад этапти. Ёш оила сифатида нима қилишимиз мумкин? Ким жавобгар?



Янги уйдан нуқсон чиқса, ким жавобгар?

Йўлдош НОРБЕКОВ, Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси:

— Амалдаги қонунчилик қурувчининг бундай ёндашувини мутлақо рад этади. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, агар сотилган уйда (яъни товар сифатида тақдим этилган кўчмас мулкда) нуқсонлар мавжуд бўлиб, улар ҳақида олинган огоҳлантирилмаган бўлса, харидор — истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- нуқсонларни бепул тўзатишни талаб қилиш;
 - ўз ҳисобидан таъмирлашга мажбур бўлган бўлса, харажатларни қайтариб беришни сураш.
- Бу ҳуқуқлар уй мулк сифатида топширилган кундан бошлаб икки йил мобайнида амал қилади. Қурувчи ёки сотувчи “шартномада бу кўрсатилмаган” деса ҳам, бу ҳақиқатга эид — истеъмолчи ҳуқуқлари қонун билан химояланган ва шартнома билан чеклаб бўлмайди.
- Маслаҳатимиз: барча нуқсонларни фото/видео орқали ҳужжатлаштиринг ва қурувчига ёзма равишда расмий талабнома юборинг. Агар жавоб берилмаса, фуқаролик судига ёки Истеъмоллар ҳуқуқларини химоя қилиш агентлигига мурожаат этишингиз мумкин.



S&P агентлиги
илк бор
Ўзбекистон кредит
рейтинги прогнозини
“БАРҚАРОР”ДАН
“ИЖОБИЙ”ГА
ўзгартирди.



Ўзбекистонда
импорт дориларни
ФАҚАТ РАСМИЙ
ИМПОРТЧИЛАР ва
уларнинг дилерлари
сотиши мумкин
бўлади.



Ўзбекистонда
МИЛЛИЙ
БРЕНДЛАРНИ
Қўллаб-қувватлаш
КОМПАНИЯСИ
ташkil
қилинади.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

МАРКИРОВКАНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ: БИЗНЕС УЧУН ИМКОНИАТ, ИСТЕЪМОЛЧИГА КАФОЛАТ

Илгари тадбиркорлар маҳсулотга маркировка коддини 90 кун ичида қўллашлари керак эди. Агар ушбу муддатда код ишлатилмаса, “яроқсиз” ҳисобланарди ва тўланган пул қайтарилмас эди. Президентнинг 2025 йил 23 майдаги “Мажбурий рақамли маркировка тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан бу муддат бекор қилинди.

Музаффар НАЗАРОВ,
Солиқ кўмитаси бошқарма
бошлиғи ўринбосари.



Шу билан бирга, ишлатилмаган маркировка кодлари учун тўланган тўловлар янги кодлар сотиб олинганда ҳисобга олинади. Эндиликда кодлар учун тўлов фақат улар маҳсулотга қўйилгандан кейингина амалга оширилади. Илгари тадбиркорлар маҳсулот чиқарилмаса ҳам олдиндан тўлов қилишга мажбур эди. Бу янгилик айниқса, кичик ва ўрта бизнес учун молиявий юкни камайтирди ва жараёни адолатли ҳамда қўлай қилди.

Мазкур қарор асосида тадбиркорларга бир қатор қўшимча имкониятлар яратилди. Агар сиз таннархи паст маҳсулотлар – масалан, лампа ёки 7 минг 500 сўмгача бўлган (амалда 3 750 сўм эди) 630 га яқин дори воситаларини ишлаб чиқараётган бўлсангиз, маркировка кодларини Рақамли маркировкалаш ва кузатиш миллий ахборот тизими оператори (Оператор) дан бепул оласиз.

Маркировкага оид масалаларни тезкор ҳал қилиш имконияти яратилди. Энди тадбиркорлар асл белгиси операторининг куну тун фаолият юри-тадиган call-маркази орқали мурожаат қилиб, ёрдам олишлари мумкин.

Маркировка фуқароларга нима беради?
Қалбаки маҳсулотлар хавфи камади ва маҳсулот сифатига ишонч ортади: маҳсулотнинг қайси босқичлардан ўтганини кузатиш ва унинг ҳақиқийлигини “Soliq” мобил иловаси орқали текшириш мумкин.

Шунингдек, агрегациялаш тизимини жорий қилиш муддати дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи корхоналар учун 2025 йил 1 октябрга қадар, сув ва салқин ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар учун 2026 йил 1 апрелга қадар узайтирилди.

Ички бозорда рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида 2025 йил 1 июлдан бошлаб, импорт қилувчи ташкилот Ўзбекистон ҳудудига олиб кирган дори воситаларини уларнинг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорларга тўғридан-тўғри ёки унинг расмий дилерлари орқали реализация қилишни электрон ҳисобварақ-фактура асосида амалга оширади. Рақамли маркировкаланган маҳсулотларни улгуржи сотиш фақат нақд пулсиз шаклда банк ҳисобварақлари орқали амалга оширилади.

Шунингдек, энди чакана савдо фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар томонидан маркировкаланган товарларни реализация қилишда улгуржи тарзда сотилишига йўл қўйилмайди.

Қарор асосида назорат қилиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Солиқ кўмитаси тузилмасида Рақамли маркировка қондаларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси ташkil этилди.

2025 йил 1 сентябрдан бошлаб: – хавфни таҳлил қилиш тизимида маркировкалаш қондаларини бузиш ҳолатлари солиқ хавфи даражасини

Рақамли маркировка – бу маҳсулотларга қўйиладиган махсус кодлар бўлиб, улар маҳсулотнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача бўлган йўлни кузатишга имкон беради. Бу тизим истеъмолчиларни қалбаки маҳсулотлардан, айниқса қалбаки дори-дармон ва алкоголь маҳсулотларидан ҳимоя қилади. Маркировка бозорда шаффофликни таъминлайди ва бизнесни қўллаб-қувватлайди.



юқори деб баҳолаш учун асос бўлади; – маркировкаланадиган маҳсулотларни реализация қилишда маркировка коди бириктирилмаган ЭХФни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди; – маркировкаланадиган маҳсулотларни чакана сотишда маркировка коди киритилгандан сўнг онлайн назорат-касса техникасининг чеки шакллантирилади ҳамда аввал фойдаланилган маркировка кодлари киритилганда чеки шакллантиришга йўл қўйилмайди;

– фармацевтика фаолиятини ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш талабларига қўшимча шартлар киритилади, тунда янгидан ташkil этилган субъектларга лицензия берилмайди;

– фаолиятини амалга ошириш учун кўчмас мулк бўйича ижара ёки текин фойдаланиш шартномаси солиқ органларида ҳисобга қўйилади;

– дори воситаларини реализация қилишда харидорлардан тўловларни қабул қилиш бўйича электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилганлиги текширилади;

– солиқ текширувларида контрафакт ёки маркировкаланмаган дори воситаларини сотиб олиш, ташиш, сақлаш ёки реализация қилиш ҳолатлари аниқланганда солиқ органлари ташаббусига кўра ваколатли орган томонидан мазкур субъект лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилади.

2026 йил 1 январдан бошлаб рақамли маркировкалаш қондаларини бузиш ҳолатлари солиқ органларининг ахборот тизими орқали аниқланади ва масофавий солиқ текшируви ўтказилади. Бу жараёнда дастлаб қондабузарликларни бартафоз этиш бўйича оғохлантириш берилди. Иккинчи марта оғохлантириш берилгандан сўнг қондабузарлик ҳолатлари аниқланганда масофавий солиқ текширувида қўлланиладиган жарималар миқдори камайтирилади. Бир йилда 4 марта ҳуқуқбузарлик содир этгани учун жаримага тортилган субъектларга бир йил давомида ортқча ҚҚС суммаси қўллаб берилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли маркировка тизимининг жорий этилиши яширин иқтисодиёт улушини камайтиради ҳамда солиқ тушумларини оширади. Бу маблағлар эса йўллар, мактаблар, шифохоналар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини қуришга йўналтирилади.

“СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ”

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ТАДБИРКОРГА ҲАМ, ХАРИДОРГА ҲАМ БИРДЕК ТААЛЛУКЛИ



“Маҳаллабай” иш ташkil этилгач, солиқ тизимида кўрсатиладиган давлат хизматларининг деярли барчаси электрон шаклга ўтказилиб, тизимда бюрократия ва фуқароларни сарсон қилиш ҳолатлари тўлиқ барҳам топди. Одамлар олдингидек туман марказига қатнаётгани йўқ, барча юмушларини “Soliq” мобил иловаси ёрдамида ҳал этяпти.

Алишер РОМОНОВ,
Хонқа туманидаги
“Ёш куч” ва “Порлоқ” маҳаллалари
солиқ инспектори.

Олдин куйи тизимларда солиққа оид ҳуқуқий тарбиётлар етарли даражада олиб борилмаган. Шу боис дастлабки иш фаолиятимда аҳолини солиқ қонунчилиги, имтиёз ва имкониятлар ҳақида хабардор этиб, яширин иқтисодиётнинг олдини олиш учун норасмий меҳнат фаолиятини юритаётганларни аниқлаб, уларни қонунийлаштирдим.

Бундан ташқари, тадбиркорликка қизқувчан ёки фаолиятини энди бошлаётган, ҳуқуқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келаяётган тадбиркорлик субъектларига кўмаклашдик. Уларга онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини тушунтирдик.

Бугун ҳам оддий харидор сифатида савдо дўконларига кириб, тадбиркорларнинг чек бериш-бермаслигини кузатиб боряпман. Ҳолат яхши, тадбиркорларнинг ҳам, харидорларнинг ҳам ҳуқуқий маданияти ошган. Айниқса, мол-мулк ва ер солигидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қолиши фуқароларда рағбат уйғотяпти.



Алишер Ромонов
“Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланди.

“Ёш куч” маҳалласида шолчилик билан бирга, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаси кенг ривожланипти. “Порлоқ” маҳалласида эса тадбиркорликнинг турли йўналишлари кўпаймоқда. Натижада ўтган йилга нисбатан тадбиркорлар сони 30 фоизга, солиқ тушумлари 110 фоизга ошди. Ҳозирда менга бириктирилган маҳаллаларда 47 та юридик шахс, 14 та фермер ҳўжалиги, 616 та деҳқон ҳўжалиги, 76 нафар яқка тартибдаги тадбиркор бор. 1 232 нафар фуқаронинг аксарияти чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик йўналишида ўзини ўзи банд қилиб, даромад топяпти.

Айни пайтда “Ёш куч” маҳалласи худудига Янги Ўзбекистон массиви бунёд этиляпти. Бу ерда 1 200 та хонадонга мўлжалланган 46 та кўп қаватли уйлар қурилади.



СОЛИҚ ҚўЛЛАНМАСИ

Заргарлар яқка тадбиркор сифатида савдо қилиши мумкин



Кунни кеча Президент раислигида маҳаллий саноятни ривожлантириш бўйича келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида тўқимачилик ва чарм корхоналарига эхтиёжманд одамларни ишга олиш бўйича 15 фоизли метёр 2 баробар камайтирилиши қайд этилди.

Бундан буён имтиёз олиш учун корхонада эхтиёжманд одамлар билан бирга, ногиронлиги бор ишчилар ҳам ҳисобга олинади. Маълумки, тўқимачилик ва чарм-пойабзал корхоналарига фойда солиғи 2 фоиз, ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланган. Эндиликда заргарлар ҳам яқка тадбиркор сифатида тилла буюмлари савдоси билан шуғулланиши мумкин бўлади. Асиллик инспекцияси Солиқ кўмитаси ва

Бош прокуратура билан биргаликда заргарлик соҳасида қатъий назорат ўрнатиш шартлиги кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорлар заргарлик буюмини Асиллик инспекциясидан тамағлатиб, кимим қилишига бир ой вақт берилиши белгиланди. Умуман, мутасаддиларга соҳани чуқур таҳлил қилиб, “хомашё – ишлаб чиқариш – савдо” занжиридаги барча иштирокчиларни “соя”дан чиқиб ишлашини рағбатлантирадиган тизим ишлаб чиқиш топширилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шаҳзод БОЙМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти:

– Ёш тадбиркор сифатида кўчма савдони ташkil қилмоқчиман. Мазкур фаолиятни йўлга қўйсам, қандай солиқ имтиёзлари мавжуд?

Кўчма савдо дўконга имтиёз борми?

Дилдора ҲОШИМОВА,
Солиқ кўмитаси бошқарма
бошлиғи:

– 2028 йил 1 январга қадар магистрал йўллар бўйида кўчма савдони ташkil қилган ёшлар (30 ёшгача) фаолиятининг дастлабки 6 ойи давомида олган даромадлари бўйича солиқ тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 майдаги 196-сонли қарорига асосан


№	Иккинчи марта амалга оширилган берилмаган сўнг қондаларини амалга оширган ҳолатлар	Жарима миқдори
1.	Бир ой давомида биринчи марта	Реализация амалга оширилган савдо субъектларида олиниб олинган сўғ тушумининг 0,2 фоизи
2.	Бир йил ичида иккинчи марта	Реализация амалга оширилган савдо субъектларида олиниб олинган сўғ тушумининг 0,4 фоизи
3.	Бир йил ичида учинчи марта	Реализация амалга оширилган савдо субъектларида олиниб олинган сўғ тушумининг 1 фоизи
4.	Бир йил ичида тўтинчи марта ва ундан кейинги ҳолатлар	Реализация амалга оширилган савдо субъектларида олиниб олинган сўғ тушумининг 2 фоизи



Бу йил УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-синфини 632 минг 946 нафар, 11-синфини 451 минг 73 нафар ўқувчи тамомлади.



2024 йилда Ўзбекистонда доимий аҳолининг ўртача УМР Кўриш давомийлиги 75,1 ёшга етди.



Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ТОВАР АЙИРБОШЛАШ МИҚДОРИ 1,4 миллиард долларга яқинлашди.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

АЙБИ БОР ОДАМНИ БАРМОҚЛАРИ ТИТРАЙДИ...

Эрта тонг хизмат уйимда нонушта қилаётганим, тезкор хабар келди. Доим осуда бўлган маҳалламда кимдир бировнинг хонадонига ўғриликка тушиб, уйига ўт қўйиб юборибди. Кейинги хабар – қабристонни ободонлаштириш учун йиғилган пулни ва безакли дарвоза металлари ҳам ўғирлабди...



Элмурод ЛАПАСОВ, Шароф Рашидов туманидаги "Қангли" маҳалласи профилактика инспектори, катта лейтенант.


билан жанжаллашмади, лекин қаерда кўрсам, бошқалар эътиборини тортмайдиган жойда ўтириб олиб, кўчадан ўтганларни кузатарди. Балки шу тарзда жиноят режасини тузгандир, дея унинг уйига бордим. Мени кўрган Мардон ерга қаради, бармоқлари билинар-билимас титрагандай бўлди. Ундан кеча қаерда бўлганини сўраганимда, у: "қаерда бўлардим, уйда эдим. Соат 22 дан ўтгач ухладим. Тинчликми?" деди. Эшитмадингизми, маҳалламизда ўғрилик бўлган дедим. Мардон: "Йўқ, эшитмадим, бу ишларга менинг алоқам йўқ", деди. У ўзини қанчалик табиий тутмасин, негадир шубҳа-гумонларини ошириб борди. Ички сезгим "шу одамни яхшилаб суриштир" дерди. Шунинг учун шу кўчадаги хонадон эгалари билан суҳбатлашиб, кечаси кўчада юрган бирор одамни кўрган, кўрмаганини суриштирдим.

Суриштирувлар давомида Мардоннинг бир кўшниси: "Сигирим бола-лаши керак эди. Шу боис тунги соат 2-3ларда ундан хабар олиш учун оғилхонага ўтаётганимда кўшнанинг кўчага чиқиб, Раваллик кўчаси томон кетаётганини кўрдим. Ушанда ярим тунда бу киши кўчада нима қилиб юрибди, деган хабар ўтганди", деб қолди. Шу гапдан сўнг шубҳаланган одамнинг уйига яна қайтиб бордим. Бироқ уйи қулф экан. Тезда уни қидиришга тушдим. Топгач, маҳалла идорасига олиб келиб, унга ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олган айбланувчига қандай жазо тайинлаши ҳамда айбини бўйнига олмай жинояти етарли далиллар билан исботланган айбланувчига қандай жазо тайинлашини айтдим. Унга: "ўғирлик қилиб, уйни ёқиб кетган ҳам, қабристондаги пул ва дарвоза металлари ўғирлаган ҳам сиз эканингизни яхши биламан ва буни

исботлаб бера оламан. Ўзимиз топгандан кейин сизга ҳеч ким ёрдам бера олмайди, маҳаллада учта гуруҳ ишлапти, вақтни ўтказманг", дедим. Шундан сўнг Мардон: "тўғри, ўғриликни мен қилдим, уйни ёқимганига сабаб бор..." деди. У ўша кунги спиртли ичимлик истеъмол қилганини, кейин Россияда ишлаб юрган поччаси билан телефонда жанжаллашиб қолганини, аччиқ устидан унинг уйдан телевизорни ўғирлаб, ёқиб юборганини, телевизорни эса қабристонга яшириб, қайтишда у ердаги пул ва металлари ўғирлаганини айтиб берди. Шу ернинг ўзидан ундан тушунтириш хати ёздириб олдим ва дастлабки сўроқ баённо-масини тўлдириб, имзо қўйдирдим. Шундан кейин айбланувчини жиноят ва тергов гуруҳи ходимларига топширдим... Шу тарихи эрталаб соат 8:00 да бошланган тезкор суриштирув тўда ўз натижаси билан ниҳоясига етди.

Иш услубининг яна бир тарафи – маҳаллада 8 мингдан ортиқ аҳоли яшаса-да, барчасининг хатти-ҳаракатини ўрганиб чиқиб, нотинчларини ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор, спиртли ичимликка ружу қўйган ҳамда низоли ва жанжалкаш оилалар тоифаларига ажратиб олганман. Мардон ҳам ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор фуқаролар рўйхатида эди.

Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, "маҳалла еттилиги" билан мустаҳкам ҳамкорликка эгамиз. Агар бирор воқеа-ходиса юз берса, зудлик билан раиснинг "Damas" автомашинасида "еттилик" иштирокида манзилга етиб борамиз ва муаммоларни жойида ҳал этамиз. Масалан, яқинда 54-мактаб ўқувчиларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун Аришли кўчасидаги автомобиль қатнов юқори бўлган қисмида йўлак қурилди. Шунингдек, ишчи аҳоли ҳудуддаги Жиззах эркин иқтисодий зонасидаги ўндан ортиқ завод ва корхоналарга ишга жойлаштириляпти.



Ҳудуддаги асосий киб-чиқиш жойларига видеокузатув қурилмалари қўйилган. Овқатланиш шохобчалари қўриқлаш пультага уланган.

Хабарни эшитдим у зудлик билан ёнғин содир бўлган Раваллик кўчасидаги хонадонга югурдим. Тезда ёнғин ўчирилди, бироқ телевизор ўғирланган, эни 4 метр, бўйи 6 метрли уй тўлиқ ёниб кетган. Шу орада туман ички ишлар бўлими бошқармаси, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, тезкор гуруҳ ҳам етиб келди.

Маҳалламизда биринчи марта шундай воқеа содир бўлгани учун бунинг ортида ким турганини ўйлаб бошладим. Тажрибамдан биламанки, бундай ишларни бегоналар қилмайди. Шу боис раҳбариятга бу ишни менга топширишни айтиб, жиноят изини "қайноқ" пайтида аниқлашга киришдим. Дарахт соясида бирпас туриб, жиноят қилишга мойиллиги борларни бир-бир кўз олдимига келтирдим. Негадир хаёлимга бирдан уйи ёнган одамнинг қайнукаси Мардон Маҳмудов келди. Чунки сўнги уч кун ичида уни тез-тез кўчада учратдим. Тўғри, у биров

МЕНДА САВОЛ БОР...

Б.ҲАМДАМОВА, Тошкент шаҳри:

– Яқинда Тошкент шаҳридаги туғуруқхоналардан биринчи келишим қўлайишган эди. Туғуруқхонадагилар бизга қон топширасизлар ёки 300 минг сўм пул тўлайсизлар дедпти. Шу тўғрими, шундай буйруқ борми?

ТУҒУРУҚХОНАДА ҚОН ТОПШИРИШ МАЖБУРИЙМИ?



Муҳаммадмин КАРИМЖОНОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

– Бу мутлақо ғайриқонуний. Бундай буйруқ йўқ. Донорлик ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, 300 минг сўм пул талаб қилишлари ҳам қонунга зид. Ўзбекистон Республикасининг "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасига кўра, донор – ўз қони ва унинг таркибий қисмларидан бир қисмини тиббиёт эҳтиёжлари учун ихтиёрий равишда


берувчи жисмоний шахс. Мазкур қонуннинг 5-моддасига кўра, қон ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт эҳтиёжлари учун топшириш донор томонидан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Шахсни қон ва унинг таркибий қисмларини топширишга бирор-бир тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳолатларга дуч келсангиз, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 71/241-10-65 ҳамда 1003 рақамли ишонч телефонларига кўнғироқ қилинг.

ҚУЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЗАМОНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛЯПТИ

Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини янада самарали таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида 360 градусли видеокузатув функциясига эга бўлган, тўғридан-тўғри ИИБ хузуридаги Қўриқлаш Департаменти мониторинг маркази билан видеоалоқа ўрнатиш имкониятига эга ташвиш тугмалари ўрнатилмоқда.



Мазкур тизим мавжуд ҳолатларни марказ томонидан реал вақт режимида видеокузатув орқали кузатиш, ҳолат юзасидан видеоалоқа орқали тезкор ва аниқ ахборот олиш имконини беради. Ташвиш тугма босилганда Қўриқлаш Департаменти тезкор ҳаракатланувчи гуруҳ ходимлари томонидан қисқа вақт ичида етиб бориш ва зарур чора-тадбирларни кўриш таъминланади.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати

ҲУҚУҚ

Одам савдосига жазо чораси кучайтирилди

Одам савдоси билан боғлиқ ҳолда содир этилган жиноятлар 2019 йилда 94 та, 2020 йилда 93 та, 2021 йилда 162 та, 2022 йилда 165 та, 2023 йилда 144 та содир этилган. Эътиборлиси, одам савдосидан жабрланганларнинг 70 фоизи фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этилган.

Абдулҳаким ЭШМУРДОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.

оғирроқ жазо чораларини белгилувчи ҳамда ушбу қилмишни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этганлик учун жазони кучайтирувчи ўзгаришлар киритилди. Мазкур қонунга кўра, биринчидан, ҳомилалар аёлга нисбатан содир этилган одам савдоси қилмиши учун оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "ҳомилалар аёлга нисбатан" деган банд билан тўлдирилди. Иккинчидан, муқаддам одам ўғирлаш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахс томонидан одам савдоси жиноятини содир этганлик учун жавобгар-



лиқни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "илгари ушбу кодекснинг 137-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан" деган банд билан тўлдирилди. Учунчидан, фоҳишалikka жалб қилиш мақсадида одам савдоси жиноятини содир

этишни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида" деган банд билан тўлдирилди. Тўртинчидан, ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакл-

ларини қўллаш орқали одам савдоси қилмиши, шунингдек, вояга етмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилиши Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми билан малакаланиши белгиланди.

Бешинчидан, Жиноят кодекси 135-моддасининг 2 ва 3-қисм санкциялари кучайтирилиб, яъни 2-қисми учун 5 йилдан 10 йилгача, 3 қисми учун эса ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.


Дарҳақиқат, сўнги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланган шахсларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти.

Натижада одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ишлар тизимлаштирилди. Одам савдосидан жабрланганларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳуқуқий ҳимоялаш кучайтирилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ айрим масалаларда, хусусан, одам савдоси жиноятини учун мутаносиб санкциялар белгилаш зарурати вужудга келди.

Ушбу қонун ҳам одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга, унга қарши самарали курашишга, бундай қилмишлар учун мутаносиб жазо чораларини белгилашга, қолаверса, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.



Ўзбекистоннинг ЯНГИ ЙЎЛОВЧИ АВИАКОМПАНИЯСИ – “Tashkent Air” 2 июндан парвозлар бошланганини эълон қилди.



МАСОФАВИЙ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИНИ ўтказиш тартиби жорий этилади.



Ўзбекистонда БОЛАЛАР САЙЁҲЛИК ДАСТУРИ доирасида 1 миллион ўқувчи мамлакат бўйлаб саёхат қилиши мумкин.

ТАҲЛИЛ

Кўмак рақамларда эмас, тақдирларда акс этади

Қизирик туманидаги “Халқобод” маҳалласида ижтимоий ҳимоя тизими нафақат рақамларда, балки инсон тақдирлари ўз аксини топмоқда. Буни маҳалла ижтимоий ходими Нигора Жумаеванинг фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Азизбек МАШРАБОВ, журналист.

Нигора Жумаева эл дардига бефарқ бўлмаган, ҳар бир оила, ҳар бир инсон муаммосини ўз дардидек қабул қиладиган фидойи мутахассис. Унинг оғоҳлиги, масъулияти ва меҳрибонлиги туфайли кўплаб фуқаролар ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда етарли ёрдамни олмақда.

Яқинда мазкур ҳудудда яшовчи фуқаро Салима Мирзаева оғир бош мия касаллигига чалиниб, шочиличин жарроҳлик амалиётига муҳтож ҳолга тушган эди. Ижтимоий ходим унинг аҳволини ўрганиб, “Саховат ва кўмак” жамғарма-

си орқали 15 миллион сўм маблағ ажратилишига эришди.

Натижада фуқаро 7,5 соат давом этган мураккаб бош мия амалиётини муваффақиятли ўтказди ва ҳозирда соғ-саломат оиласи бағрига қайтди. Бу нафақат тиббий ютуқ, балки ижтимоий тизимнинг ҳаётбахш фаолияти самарасидир.

Ижтимоий ходимнинг ташаббуслари бундан кейин ҳам тўхтагани йўқ. Салима Мирзаеванинг ногиронлик гуруҳи расман белгиланди. Болалар нафақаси таъинланди. Икки нафар фарзанди маҳалладаги бепул тўғаракларга жалб этилди. Яна бир фарзанди мактабга таълим муассасаси навбатига кўйилди. Соғлигини тиклаб олиши учун санаторийга

рўйхатга олинди.

Маҳаллаларда ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ногиронлиги бўлган фуқаролар, айниқса, болалар учун барча шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг навбатдаги муҳим қадами – **кундузги парвариш хизматларининг** йўлга қўйилиши бўлди.

Президент фармонида мувофиқ, 2025 йил 1 мартдан бошлаб, республика бўйлаб тажриба-синов тарихида 7 та ҳудудда 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар учун **давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш марказлари** ташкил этилиши белгиланди. Бу хизмат тури нафақат болаларнинг ҳаётини энгиллаштиряпти, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам катта ёрдам бўляпти.

Кундузги парвариш марказлари болаларни кун давомида қабул қилиб, уларга таълим, ижтимо-



Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кундузги парвариш хизматидан фойдаланилган бир кун учун 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ҳар бир болага базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдоридан ва 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳар бир болага – 27 фоизи миқдоридан субсидия ажратилади.

ий-руҳий реабилитация, ижодий фаолият, ҳаракатли машғулотлар ва тўлиқ назорат остида қараб туриш хизматларини тақдим этади. Мутахассислар болалар билан индивидуал ёндашув асосида ишлайди.

Қизирик тумани “Зарбдор” маҳалласида ана шундай марказ ташкил этилди. Ташаббускор – тадбиркор Санам Холмуродова Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик асосида лойиҳани амалга оширди.

Бу ерда болалар учун қулай, замонавий ва хавфсиз муҳит яратилган. Махсус тайёрлардан ўтган педагоглар, дефектолог ва психологлар, соғлиқни сақлаш мутахассислари болаларнинг ривожланиши, билим олиши ва жамиятга мослашуви учун хизмат қилади. Шу билан бирга, ота-оналар учун маслаҳатлар ва психологик кўмак дастурлари ҳам назарда тутилган.

Бу лойиҳа нафақат ижтимоий масъулият, балки инсонпарварлик, ҳамдардлик ва жамиятда барча қатламлар учун тенг шароитлар яратиш сари ташланган қадамдир. Бундай марказлар кўпая бориши билан мамлакатимизда инклюзив жамият шаклланиш жараёни янада жадаллашади.

ТАЖРИБА

ИППОТЕРАПИЯ — САЛОМАТЛИК САРИ ЙЎЛ

Иппотерапия – бу “от ёрдамида даволаш” деган маънони англатади. Отлар ўзининг илиқлиги ва ҳаракати орқали инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Уларга минниш эса жисмоний ҳамда руҳий ҳолатни яхшилашга хизмат қилади.



Хислатбек МИРЗАЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси бош мутахассиси.

Фарғона вилоятидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи ва От спорт турларига ихтисослаштирилган чавандозлар мактаби ўртасида имзоланган меморандум доирасида болаларни иппотерапия асосида соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилган. Ушбу машғулотлар руҳий касалликларни даволаш, ҳаракатланганидаги чекловларни камайтириш, сезги аъзоларидаги муаммоларни энгиллаштириш, шунингдек, жарроҳлик амалиётидан кейинги тикланиш жараёнини тезлаштиришда самарали бўлмоқда.

Айни пайтда мураккаб ҳаракатлана оладиган 15 нафар бола ушбу машғулотларга мунтазам жалб этилган. Ўтган давр мобайнида эса юришда нуқсон бўлган, эммаклар ҳаракатланган 4 нафар бола соғломлаштирилиб, уларда қон айланиши ва асаб тизими фаолияти яхшиланиши кузатилди. Шунингдек, таянч-ҳаракат тизимидаги айрим муаммолар ва урологик касалликларнинг бартараф этилишига эришилди.



ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ



ДИЛИДА ДАРДИ БОРГА ДАЛДА БЎЛГИМ КЕЛАДИ...

Ижтимоий ҳимоя соҳаси ташкил этилганини эшитганимда, бу мен анчадан буён кутаётган йўналиш эканини тушуниб етдим.

Мадина МАМАТОВА, Навоий шаҳридаги “Ҳаёт” маҳалласи ижтимоий ходими.

Каровсиз қолиб кетган болалар, ёлғиз яшаётган қариялар, таъйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга хизмат кўрсатиш кераклигини эшитиб, қизиқишим янада ортди. Аслида, мақсадим ҳам шу эди. Эҳтиёжманд ва ночор оилаларга ёрдам бериш, уларнинг шароитини яхшилашга ҳиссам қўшилишини жуда хоҳлардим.

Маҳаллага ҳеч қачон тинч ва осойишта яшаётган фуқаролар мурожаат қилиб келмайди. Муаммоси бор, оғир вазиятга тушиб қолган кишиларгина биздан кўмак кутади. Шу тоифадаги фуқароларни кўриб, ҳаётимиздан миннатдор бўлишимиз кераклигини англаб етдим. Утаётган ҳар бир лаҳзамизга шукрона келтириб яшашни бошладим. Сабаби, атрофимизда ночор аҳволдаги оилалар жуда кўп. Ҳақиқий вазиятидан хабар

топганингиздан кейин қандай йўл билан бўлса-да, уларга ёрдам беришимиз келади. Аслида, ижтимоий ходимдан талаб қилинадиган асосий жиҳат – сабр ва ўзгаларни тинглай олиш маҳоратидир. Агар эшитмасангиз, тушунмасангиз, бу иш сизники эмас. Ёрдам сўраб келган фуқаронинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўрмасангиз, унинг дардини, муаммосини ҳис қилмасангиз, барчаси бекор. Баъзан олдимизга жуда таъсирчан, қаттиқ тушунликка тушиб қолган аёллар келади. Айрим фуқаролар билиб-билмай кўпол муносабатда бўлади. Шундай вазиятларда ҳам ўзимни қўлга олам. Бу одамлар ҳам бекорга бу ҳолатга тушиб қолмаган-ку, дейман ўзимга. Кейин секин-аста хизмат кўрсатишни бошлайман. Орадан фурсат ўтиб, ўша кишининг кайфияти кўтарилиганини кўрганда ҳамма ўтмишдаги муаммолар унут бўлади. Айни вақтда маҳалламизда ногиронлиги бўлган фуқаролар 241 нафарни ташкил этади. Кам таъминланган

хонадонлар 44 та, камбағал оилалар эса 30 та эди. Улар билан манзилли равишда ишлаб, шу кунга қадар 15 тасининг шароитини яхшилашга эришдик. Бу тоифадаги аҳоли вакиллари ишга жойлаштириш, кредит бериб, тадбиркорлигини бошлашга кўмаклашиш орқали фаровон турмуш кечиришига муносиб ҳисса қўяпмиз. Жорий йил бошидан буён 20 дан ортиқ кейс очилди. Айтайлик, бир аёлнинг 4 нафар қизи бор эди. Бешинчиси ҳам қиз туғилди. Оила бу болани унчалик хоҳламади. Ундан воз кечиш нияти борлигини билиб, айна масала юзасидан кейс очдим. Аввалиги онага боласига меҳр кўрсатиши кераклиги, қабул қилаётган қарори тўғри эмаслигини тушунтиришга уриндик. Лекин оиланинг моддий ҳолати яхши эмаслигини инобатга олиб, бошқа ечим излашга киришдик. Шу вазиятда 15 йилдан буён болани бўлиш умидида яшаётган оила ҳақида хабар топдик. Ўзаро келишув асосида, томонларнинг розилиги билан чақалоқни уларнинг номига расмийлаштириб бердик. Бу билан бир болани етимликдан, бир оилани эса ажрашиб кетишдан сақлаб қолдик. Маҳалламизга бир келсангиз, қизинг иш жараёнига гувоҳ бўласиз. Хусусан,

яқинда оиласидан ажрашиб, ўғли билан бирга яшаётган аёлга кўмаклашдик. Фақат бола нафақасига амаллаб кун кечириётган фуқаронинг қизиқлиларини ўрганиб, кўриқ олишни таклиф қилдик. Бундан ташқари, худудимизда бўш турган бинодан имтиёзли равишда ижара асосида фойдаланишини таъминладик. Аёл айни вақтда турли хомашёлардан сунъий гуллар ясашни йўлга қўйган. Мана шу кейснинг манتيқий давоми сифатида камбағал оила фарзандларини хунар ўрганишга жалб қилдик. Мактабнинг юқори синфида ўқиётган 7 нафар қиз 1 июндан бошлаб дарсларга қатнайди. Бу ташаббус уларнинг ота-оналарини жуда хурсанд қилди. Қолаверса, ёшлар ёзги таътил вақтини мазмунли ўтказадиган бўлишди. Шу ўринда бир таклифни илгари сурмоқчи эдим. Аниқроқ айтадиган бўлсам, камбағал оила аёлларининг туғуруқхона харажатлари шифохона томонидан қоплаб берилса. Сабаби, беш-олти кун давомида бир миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу дори-дармон воситалари, турли тиббий анжомлар бўлиши мумкин. Агар шу масалада ҳам бироз энгилликлар яратилса, нур устига аёло нур бўлар эди.

ТАҚДИРЛАР

ҚАЛЪЛАР ҚУВОНЧ, МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ТОПГАНДА...

Пискент туманидаги “Култепа” маҳалласида яшовчи фуқароларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар замирида инсонпарварлик, ғамхўрлик ва фидойилик ётибди. Бу эзгу мақсад йўлида жонбозлик кўрсатаётган фидойилардан бири – ижтимоий ходим Муниса Шерматовадир. **Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.**

Уфақат маълумот йиғиш билан чекланмай, ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор билан ёндашади, зарур ҳолларда бошқа ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда муаммоларга амалий ечим топади. Бунга мисол тарихида 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида турувчи Сербашор Абдуқодирова тақдирини келтириш мумкин.



Ҳаётнинг қийин синовларидан ўтган, сўзлаша олмайдиган, инсулт ва инфарктни бошдан кечирган бу инсон бугун Муниса Шерматованинг кўмаги билан ҳаётга қайта ишонч билан қарамоқда. У аввалиги чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Қариндошлари билан алоқалари тикланди. Ҳомийлар ёрдами асосида ҳасса билан таъминланди. Бу унинг мустакил ҳаракатланишида муҳим восита бўлди. Санаторийга навбатга кўйилди. 669 минг сўм миқдорида компенсация олиши таъминланди. Бириктирилган ижтимоий ходим ассистенти кундалик юмушларини бажаришда кўмаклашяпти. Булар оддий хизматлар эмас, балки бир инсоннинг ҳаётини қувонч, меҳр ва эътибор билан тўлдирётган ёндашув натижасидир. Ёрдам фақат моддий кўмак эмас. Бу қулоқ солиш, юрак билан ҳис қилиш, меҳр билан ёндашиш демак. Муниса Шерматова каби фидойи ходимлар эса буни кундалик фаолияти орқали амалда кўрсатмоқда. Уларнинг меҳнати туфайли юзлаб инсонлар ҳаётга, жамиятга, эртанги кунга ишонч билан қарамоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ жаҳон чемпионатида Парагвай, Панама ва Ирландия билан бир гуруҳдан жой олди.



Тимур Кападзе БАА ва Қатарга қарши ўйинларга жалб этилган **ТЕРМА ЖАМОА ТАРКИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.**



ЖАВОҲИР СИНДОРОВ шахмат бўйича "TePe Sigeman & Co Chess Tournament-2025" турнири ғолиби бўлди.



БИЗ — СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ!

ТАРВУЗ ИСТЕЪМОЛИДА

Полиз маҳсулотлари — ёзнинг иссиқ кунларида энг кўп истеъмоладиган ноз-неъматлардан. Сабаби, улар фойдали хусусиятларга эга ва энгил ҳазм бўлади. Шунга қарамай, қовун ва тарвузлар етарли даражада пийманган ёки уларни етиштиришда кимёвий ўғитлардан кўп фойдаланилган бўлса, бу саломатлик учун жиддий хавф туғдириши мумкин.

Тарвуз таркибидан тана учун фойдали бўлган минерал ва витаминлар кўп. Ушбу маҳсулотнинг 92 фоизи сувдан иборат бўлиб, нафақат чанқоқни қондиради, балки саломатлик учун ҳам жуда фойдали. Хусусан, тарвуздаги калий ва магний асаб тизими ҳамда мия фаолиятига ижобий таъсир этади.

Ундаги ликопин, А, В, С каби дармондорилар ҳамда картоноид яллиғланиш ва эрта қаришнинг олдини олади. Шунингдек, бу маҳсулот юрак-қон томир тизими фаолиятини яхшилаб, қон босимини пасайтиради ва холестерин даражасини назорат қилади.

Бироқ тарвуз истеъмолида қилишда эҳтиёткорликни унутмаслик лозим. Хусусан, ушбу полиз экинини сотиб олаётган пайт унинг бутунлиги, чирмагани ва кимёвий ўғитлар билан меъридан ортқ тўйинтирилмаганига эътибор қаратиши керак.

Таркибидан нитрат моддаси кўп бўлган тарвуз истеъмоли қилинганда унинг нохуш белгилари 4-6 соат ичида пайдо бўлади. Бундай ҳолатда кўнгил айниши, қусиш, ич кетиши, қорин ва бош оғриги, тана ҳароратининг 38-39 даражага кўтариллиши, қон босимининг пасайиши, юрак уришининг секинлашиши ҳамда қўл-оёқлар совқотиши, тери ранги ўзгариши (кўкариш) каби аломатлар кузатилиши мумкин.



ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Бу нохуш ҳолатдан ўзимиз ва яқинларимизни химоя қилиш учун айрим жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, тарвуз ёки қовун харид қилаётганда, энг аввало, сотувчидан маҳсулот манбаи, унинг сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи тегишли рухсатномани талаб қилиш лозим. Шу билан бирга, маҳсулотларнинг бузилмаганига ишонч ҳосил қилиш зарур. Табиий пишган тарвуз чертиб кўрилганда жарангдор овоз чиқиб, унинг пўстини осонгина тирнаш мумкин. Агар маҳсулотнинг банди қуриган бўлса, бу унинг яхши пишганидан далолат. Тарвуз ҳолатининг яна бир

муҳим кўрсаткичи — қизил қисмидаги томилар рангидир. Агар улар сариқ ёки бинафша тусда бўлса, бундай маҳсулотдан эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки у тўлиқ пишмаган ёки нитратнинг таъсири бўлиши мумкин. Қолаверса, тарвуз устидаги чизиклар аниқ ва бир-бири билан аралашиб кетмаган бўлиши керак. Хиралашган чизиклар унинг нитрат билан тўйинганидан далолат.

Азотли ўғит меъридан ортқ берилган тарвуз сув остига чўқади. Агар бўлаклардан қийик эмас, тўғри кесилса, бу ҳолат ҳам унинг кимёвий моддаларга тўйинганлигининг белгисидир.

Шу билан бирга, тарвуз истеъмоли қилгандан кейин тоза бўлмаган сув ичиш, овқатланишдан олдин қўллар ва маҳсулотни ювмаслик, полиз экинларини нотўғри сақлаш эҳтиёт қилиш хавфини оширади.

Полиз экинларини кесилгандан кейин совитгичда 2-3 соатдан кўп бўлмаган муддатда сақлаш керак. Бундан ташқари, болалар, айниқса, эмизикли гўдақларда резаворлар истеъмолини чеклаш тавсия этилади.

Агар заҳарланиш белгилари пайдо бўлса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим. Бу ҳолатга юзаки қараш мумкин эмас, ўзини ўзи даволаш қатъиян ман этилади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ



БАДАНТАРБИЯ

Оғир атлетика ҳеч қачон оғирлик қилмайди

Тош кўтариш, яъни оғир атлетика спорт тури билан шуғулланувчилар халқ тилида полвонлар деб юритилади. Бу бежиз эмас, албатта. Улар бақувват мушаклари, расо қомати билан кўпчиликнинг эътиборини тортиши аниқ. Лекин бу машғулот билан оддий ҳаваскорлар ҳам шуғулланиб, саломатлиги бўйича қатор ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Мушаклар мустаҳкамланади

Бу спорт, биринчи навбатда, мушаклар мустаҳкамлигини оширишга ёрдам беради. Машғулотларни мунтазам равишда давом эттириб, танадаги ортқча ёғларнинг эриши ҳамда билаларнинг янада кучга тўлишига эришиши мумкин. Натижани узоқ кутиш шарт эмас. Қисқа фурсатда қадам босишингиз ўзгариб, янада шаҳдам юра бошлайсиз. Авваламиз сизни безовта қилган лоҳаслик, уйқучанликдан асар ҳам қолмайди. Ўзингизни ҳар доимгидан кўра тетик ва бардам ҳис қиласиз.

Тезлик ортади

Оғир атлетикада нафақат куч қўллаш, балки уни имкон қадар тезроқ бажариш керак. Демакки, танангизни, унинг имкониятларини бошқаришни бошлайсиз. Қолаверса, зийраклик анча ортади. Керакли вақтда зарур қарор қабул қилишни ўрганасиз. Қисқа фурсат ичида кўп куч сарфлашни сизга янада тетиклик бағишлайди. Мушаклар миядан келган буйруқларга тезроқ жавоб қайтаради. Юриш ва югуришда натижаларингиз аввалгидан анча яхшиланади.

Янги қирраларингиз очилади

Фақатгина тош кўтариш орқали бошқа спорт турларида ҳам фаолликни ошириш мумкин. Куч ва тезликнинг уйғунлашиши танада янги қирраларнинг очирилишига замин яратаяди. Нерв ва мушак муносиблиги яхшилангани сабабли ҳар қандай ҳаракатни тезроқ ўзлаштирасиз. Хоҳ у куч машқлари, хоҳ гимнастика элементлари бўлсин, бажариш осон кечади.

Суюқ санишингиз олдини олади

Ҳар қандай куч сарфланган мушаклар сингари оғир атлетика мушаклари билан бирга, суюқларни ҳам мустаҳкамлайди. Босим суюқ зичлигини оширади, бу эса саниш ва ёриқлар хавфини камайтиради.

Кислород истеъмолини оширади

Юрак-қон томир касалликлари хавфи камаюди. Бир неча ойлик оғир атлетика машғулоти қон босимини пасайтиради ҳамда юрак уриш тезлигини меъриштиради. Шунингдек, тананинг асосий кўрсаткичи бўлган кислород истеъмолини оширади.

Ҳеч қачон кеч эмас

Спорт билан шуғулланишнинг эрта-кечи бўлмайди. Ҳатто, ўттиз, қирқ ёки эллик ёшда ҳам имкониятигиз даражасида тош кўтариш. Бу билан бирор ютуққа эришмаслигингиз мумкин. Лекин кучли, мослашувчан ва чаққон бўласиз. Энг муҳими, қоматингиз чиройли ва кўркем бўлади.

Нухриддин АБДУҲОМИДОВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси.

ЭСЛАТМА!

Кондиционер — ёз фаслида, хусусан, иссиқ об-ҳаво шароитида энг муҳим қурилмалардан бири ҳисобланади. У биз учун уй ва офисларда қулай ва салқин муҳит яратишга ёрдам беради. Бироқ қурилмадан нотўғри фойдаланиш оқибатида саломатликда жиддий муаммолар келиб чиқиши мумкин.



КОНДИЦИОНЕР ЗАРАРЛИ МИКРОБЛАР КОНИМИ?

Ҳароратни тўғри белгилаш. Ёз фаслида кондиционер учун маъқул ҳарорат 18-20°C оралиғида бўлиши тавсия этилади. Асосийси, хона ичидаги салқинлик ташқари ҳаводан кескин фарқ қилмаслиги лозим. Бу эса тана учун қулай ва соғлом муҳит яратаяди.

Кондиционер тозаланиши назорат қилиш. Ушбу қурилма филтрларини мунтазам равишда тозалаш ёки алмаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳаво сифатини яхшилаб, аллергия ва микроблар ҳамда бошқа зарарли моддаларнинг ҳавога тарқалишининг олдини олади.

Фақат зарурат бўлганда ишлатиш. Кондиционерни фақат эҳтиёж бўлганда ёки керак. Хонада ҳеч ким бўлмаган пайтларда уни ўчириб қўйиш энергияни тежайди ва қурилманинг хизмат муддатини узайтиради.

Кондиционердан нотўғри фойдаланиш терини қуруқлаштириб, юзда ажинлар пайдо қилади. Шунингдек, кондиционер филтрлари тоза бўлмаганда, йиғилган чанг — аллергиялар ва микроблар ҳавога тарқалади. Бу эса аллергия ва инфекция касалликларга сабаб бўлиши мумкин.

ҳавонинг инсон танасига урилиши туфайли мушак ва бўғимларда оғриқлар пайдо бўлиши мумкин. Салқин ҳарорат қон томирларининг сиқилиши ва спазмларга олиб келади. Шундай экан, кондиционер тагида узоқ вақт ўтириш қон босимини кўтараяди.

Кондиционернинг яна бир салбий томони, у тана ҳароратини тушириб юборади. Оқибатда бронхит, томоқ, бел ва бўйин оғриқлари юзага келади. Айниқса, қурилманинг совуқ ҳавоси инсонга тўғри йўналтирилса, нафас йўллари шамоллаши, ҳатто, зотилжам келиб чиқиши мумкин.

ХИДОЯТ ЁҒДУСИ

ҚУРБОНЛИК ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

Жаҳонгир СОАТОВ. Тошкент вилояти:

— **ЕТТИ КИШИ ШЕРИК БЎЛИБ ҚУРБОНЛИК ҚИЛГАНДА, ГЎШТ ТАҚСИМЛАШДА МОЛНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИНИ (МАСАЛАН, ЖИГАР) ЕТТИГА БЎЛИШ КЕРАКМИ ЁКИ ГЎШТНИНГ УМУМИЙ ВАЗИНИ ЕТТИГА БЎЛИНСА КИФОЯЙМИ?**



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Қурбонликни тақсимлашдаги муҳим талаблардан бири — бу шерикларнинг барчаси тенг миқдорда гўшт олишидир. Ҳайвоннинг ҳар бир аъзосини шерикларнинг барчасига бўлиб чиқиш афзал, чунки ҳаммага турли аъзолардан тегади. Аммо аъзоларнинг ҳаммаси гўшт бўлгани учун умумий вазини тенг бўлиши кифоя қилади. Масалан, кимгадир жигар, кимгадир буйрак тушишининг зарари йўқ. Муҳими, ҳамма иштирокчи тенг вазнда гўшт олиши керак.